

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЧАРМ-ПОЯБЗАЛ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Рузматов Ботир Шерматович**

Катта ўқитувчи

Жиззах политехника институти

**Ўктамova Дилафруз Исрофил кизи**

314-18 гуруҳ талабаси

Жиззах политехника институти

**Аннотатсия:** Ўзбекистонда чарм - поябзал соҳасидаги янги ўзгаришлар ҳақида малумот келтирилган. 2022-йилдан бошлаб чарм-поябзал соҳаси кўллаб –қувватланилмоқда ва шу ўринда бу соҳада жаҳон бозорида рақобатбардош бўладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятининг янада унумдорлигини ошириш йўлга қўйилди.

**Калит сўзлар:** чарм-поябзал, саноат, маҳсулот, вазифалар.

**Annotatsiya:** New changes in the leather and footwear industry in Uzbekistan information about From 2022, the leather and footwear industry will be supported, and in this regard, the production of products that will be competitive in the world market and further increase the productivity of export potential has been established.

**Keywords:** leather –footwear, industry, product, tasks

**Аннотация:** Новые изменения в кожевенно-обувной отрасли Узбекистана информация о С 2022 года будет поддерживаться кожевенно-обувная отрасль, в связи с чем налажен выпуск продукции, которая будет конкурентоспособна на мировом рынке и еще больше повысит отдачу от экспортного потенциала.

**Ключевые слова:**кожевенно-обувной, промышленность, продукт, задачи.

### **Кириш.**

Ўзбекистонда чарм-поябзал соҳасида жуда кўплаб янги ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан 2022-йилда чарм - поябзал соҳасини қўллаб-қувватлашга 60 миллион доллар имтиёзли кридет берилди. Аввал берилган солиқ ва божхона имтиёзлари яна 5 йилга узайтирилди, янги солиқ имтиёзлари жорий этилди. 16та ҳудудда кичик саноат зоналари очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 24-январ куни чарм-поябзал саноатидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ўтказилган йиғилишга кўра, Ўзбекистонда 2017-йилда 76 миллиард сўмлик чарм-поябзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, 2021-йилда бу кўрсаткич 4 триллион 415 миллиард сўмни ташкил қилади. Яни ишлаб чиқариш қарийб 6 баробар, экспорт 4 баробар ўсган. Тайёр маҳсулотлар усуси 32 % дан 78% га кўпайган.

Қайт этилишича, бу йил чарм-поябзал маҳсулотлари экспортини 500 миллион доллар, келгуси 3 йилда 1 миллиард 200 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. “ бу жуда катта марра. Бу мақсадга эришиш учун бозор ҳам бор, катта миқдорда ҳом-ашё ҳам бор, талабгор ҳам бор. Фақат бунинг учун тадбиркорларга барча шароитларни яратиб бериш керак”,- деди Шавкат Мирзиёев

Чарм-поябзал саноатидаги устувор вазибалар:

Бу соҳа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда катта ўринга эга. Сўнгги йилларда амалга оширилган технологик янгилаш ва маҳаллийлаштириш натижасида тармоқ сезиларли ривожланди. Шу билан бирга, ҳали бу тармоқда ишга солинмаган имкониятлар жуда кўп. Лекин айрим муаммолар ишлаб чиқарувчиларга қийинчилик туғдирмоқда. Жумладан, хомашё ҳисобини юритиш тизими йўқ, автоматлашган кушхоналар камлиги тери сифатига таъсир қилмоқда. Дизайнер, технолог ва малакали тикувчилар, замонавий ускуна, кимёвий восита ва бутловчи қисмлар етишмайди. Худудлар кесимида айтганда, Бухоро ва Хоразмда йиллик 2 миллион дона тери захираси бўлса-да, уни саноат усулида йиғиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Қашқадарёда йилига 1 миллион 800 минг, Навоийда 700 минг ва Тошкент вилоятида 500 минг дона майда шохли чорва териси умуман қайта ишланмайди. Кўп кушхоналар аҳолидан узоқда жойлашгани, маҳаллалар билан боғланмагани сабабли кам қувватда ишламоқда. Аввало, маҳаллаларда чорва молларини сўйиш ва терини йиғиб олиш бўйича кичик мобил хизматларни йўлга қўйиш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратиш зарурлиги айтилди.

Мутасаддилар жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган жами 421 миллион долларлик 248 та лойиҳа тўғрисида маълумот берди. Давлатимиз раҳбари корхоналарни ўз вақтида ишга тушириш, шу билан бирга, янги истикболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бунда маҳаллийлаштириш ва замонавий моделларни ўзлаштиришга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Нукус, Олтинкўл, Шаҳрихон, Жондор, Наманган, Ургут, Самарқанд, Ангор, Оҳангарон ва Ҳазорасп туманлари, Наманган, Марғилон, Қўқон, Жиззах, Қарши ва Нурафшон шаҳарларида шу тармоққа ихтисослашган 16 та кичик саноат зонаси ташкил этилиши белгиланди. Ушбу худудларда инфратузилма барпо этиш учун бюджетдан 90 миллиард сўм ажратилади. Ускуналар харид қилиш учун тадбиркорларга 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга кредит берилади. Умуман, соҳани қўллаб-қувватлашга жорий йилда 60 миллион доллар имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилади. Бундан ташқари, Қўқон ва Марғилондаги анъаналар асосида, барча худудларда косибчилик ривожланган маҳаллаларни танлаб, хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Уларга оилавий тадбиркорлик ва уй-жой дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ҳамда солиқ имтиёзлари берилади.

Қайд этилганидек, бу йил чарм-поябзал маҳсулотлари экспортини 500 миллион доллар, келгуси 3 йилда 1 миллиард 200 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

- Бу жуда катта марра, - деди Президент. - Бу мақсадга эришиш учун бозор ҳам бор, катта миқдорда хом ашё ҳам бор, талабгор ҳам бор. Фақат бунинг учун тадбиркорларга барча шароитларни яратиб бериш керак.

Шу мақсадда аввал берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2026-йилгача узайтирилиши белгиланди. Шунингдек, чет эллик мутахассисларни жалб этиш харажатларининг бир қисми қоплаб берилади. Чет элларда улгуржи омбор ва савдо уйлари ташкил қилиш муҳимлиги таъкидланди, бунинг учун хорижий валютада 3 йилга 4 фоизлик кредитлар ажратилиши белгиланди.

Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган чарм маҳсулотлари ҳажмида аёллар поябзали улуши 23 фоиз, болалар поябзали 8 фоизни ташкил этади, холос. Шу боис бу йўналишни ҳам солиқ имтиёзи орқали рағбатлантиришга кўрсатма берилди. Энг катта масала - мутахассис етишмаслиги. Шунинг учун барча худудлар бу борада аниқ режа қилиб, жойларда кадрларни ўқитиш тизимини йўлга қўйиши керак, - деди Президент.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида замонавий ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этиш, хорижда мутахассислар малакасини ошириш, ўрта бўғин ишчиларини тайёрлаш бўйича вазибалар белгиланди.

Хулоса: Юртимизда чарм-поябзал соҳасига жуда катта э`тибор қаратилмоқда ва бу соҳага сармоялар ва пул маблағлари ажратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган чарм маҳсулотларининг ҳажми аёллар поябзал улуши 23%, боллалар поябзали 8% ни ташкил этади, Шу боис бу йўналишни ҳам солиқ имтиёзи орқали рағбатлантиришга кўрсатма берилди.

Бу соҳадаги катта масалалардан бири мутахасис етишмаслиги. Шунинг учун барча хуудлар бу соҳада аниқ режа қилиниб, жойларда кадрларни ўқитиш тизимини йўлга қўйилиши лозим.

**Адабиётлар:**

1. Президент Шавкат Мирзиёев 24 январ чарм-поябзал саноатидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиг'илишдаги нутқи.
2. Чарм ва мўйна технологияси /М.Темирова; Т.Қодиров; Тошкент “Турон-Иқбол”.: 2005.
3. Гулбаев У Ё, Рўзматов Б.С., Юлдашев Х Х Чарм ва мўйна саноатида инноватсион таълим кластерини яратиш ва жорий эриш //Фан ва таълим. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 289-292.
4. [хттпс://уз.викиско.ру/вики/леатхер](https://uz.wikisko.ru/wiki/леатхер).